

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

# ЙИГИТЛИК ЛИБОСИ ЯРАШГАНЛАР

Бекобод шаҳрилик Дилфуза аянинг қувончи чексиз. Чунки, ўғли Азиз Гофуров барча тест ва ҳарбий тайёргарлик бўйича синовлардан юқори кўрсаткичга эришиб, муқаддас ҳарбий хизматга жўнаб кетди.

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муқаддас ҳарбий хизматга навбатдаги қақирув ҳамда белгиланган хизмат муқаддасларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўғатиш тўғрисида"ги Қарорига асосан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси қақирув пунктида А. Гофуров сингари тиббий кўрик, тест ва жисмоний топшириқлардан юқори балл тўплаган йигитларнинг дастлабки гуруҳини муқаддас ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва қатор жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда фахрийлар, қақирувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда истиқлол йилларида миллий армиямизни замон талабларига жавоб берадиган, мамлакатимиз сарҳадларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир, ихчам ва тезкор қилиб шакллантириш борасида амалга оширилган ислохотлар, армия ва ҳар-



бий хизматга бундан 25 йил олдинги ва бугунги муносабат, аскарнинг муқаддас бурчи, муқаддас ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларга берилаётган имтиёзлар, шунингдек, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва унинг нақадар азиз наъмат экани тўғри-

сидаги мулоҳазалар тингланди. Шундан сўнг, маросимга йиғилганлар ҳарбий хизматга оланганларга халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани адо этишида омад тилашди.

– Ота-она учун фарзанд қамолини кўришдек улуг бахт бўлмаса керак, – дейди Бекобод шаҳрилик Дилфуза Ҳақимова. – Ўғлим Азизжоннинг барча тенгқурлари қатори Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўташ мақсадида ҳарбий хизматга

кетаётганидан, юрти, халқи, маҳалласи, оиласи ва йигитлик шаъни учун, керак бўлса, жонини фидо қиладиган мард ва жасур бўлиб улғаяётганидан беҳад мамнунман.

Тадбир сўнггида, бўлажак аскарларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари

тарқатилди. Ватан, истиқлол, мардлик ва жасоратни мадҳ этувчи қўшиқ ҳамда бадий жамоаларнинг чиқишлари байрам тадбирига янада кўтаринки рух бағишлади.

Авазбек Худойқулов. Қобилжон ГОФУРОВ олган сурат.

Муносабат

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ УЧУН БОР КУЧИМНИ ИШГА СОЛАМАН

Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг куч ва салоҳиятини юзага чиқаришга кенг имконият яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч қандай кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ақлу заковати, куч ва салоҳияти билан Ватан равақига, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб улғайиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Нуфузли мусобақаларда рингга чиқар эканман, қалбимда чексиз гурур-

ифтихор, шукроналик туйғуси жўш уради. Билагимга куч, юрагимга шижоат тўлади. Чунки дунёнинг ҳеч бир мамлакатидеда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга Ўзбекистондагидек улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмаса керак!

Юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто, энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилган. У

ерда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Чемпион бўлишдек эзгу мақсадга интилган иқтидор эгаси борки, эътибордан четда қолмайди.

Таълим тизимидаги уч босқичли улзуксиз спорт мусобақалари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинлари миллионлаб спортсевар ёшларни бирлаштириш, уларнинг сеvimли мусобақасига айланиши баробарида халқаро спорт ареналарида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқармоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАММА ГАП МАСЪУЛИЯТДА

Юртбошимизнинг ҳар бир чиқишларини катта қизиқиш, алоҳида эътибор билан кузатаман. Юрт равнақи, халқ фаровонлиги, авлодлар қамоллиги оид муҳим фикрлар ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди. Зеро, Президентимиз ўтган даврда амалга оши-

Дарҳақиқат, халқ тинчилиги, юрт осойишталиги, миллат бардавомлиги йўлида ўзини аямаслик нафақат фуқаролик, балки инсоний бурчдир. Бинобарин, биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, равнақи, дунёда ҳеч қандай кам бўлмаслигидир. Бу йўлда бепарво бўлишга, "бизга шунисиёму бўлаверади" қабилида иш туттишга, у раҳбар бўлади-ми ё оддий ходим, ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбат-

дан ташқари сессиясида Президентимиз вилоятдаги ижобий ўзгаришларни таҳлил қилар экан, йўл қўйилган хато ва камчиликларга, айниқса, раҳбар масъулияти, унинг эл-юрт олдидаги вазифаси ҳақида алоҳида тўхталди. "Ҳар бир раҳбар – у қайси вазифада ишлаши, қайси бўғинни бошқаришидан қатъи назар, авваламбор, ўзининг манфаати билан эмас, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаши, уларни қийнаётган муаммоларни

ечиш ҳақида чуқурроқ ўйлаши, узокроқни кўриши ва жамоатчиликни ўз ортидан эргаштириш учун уларнинг ишончини қозониши керак. Қаердаки, раҳбарлар ўз зиммасидаги масъулиятни унутса, қаердаки ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ўша ерда иш орқага кетади, бундан қанча-қанча одамлар зарар кўради, энг ёмони аҳолининг жойлардаги ҳокимият идораларига ишончи йўқолади", деди Юртбошимиз.

(Давоми 2-бетда).

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## ЭРТА ТУРМУШ – ОҒИР МУШТ

Йўлдошбекнинг бугун димоғи чоғ. Яққою ёлғиз қизи Ферузани турмушга берди. Қуда тараф обрў-эътиборли, ўзига тўқ оила. Қуёв ҳам худди буюртма қилингандай – ёлғиз ўғил.

– Тўйимсан тўй бўлди-да, онаси. Ҳамманинг ҳаваси келди.

– Нимасини айтасиз! Аммо, сал шошилмадик-микан, دادаси? Қизимиз ҳали ёш, кўп нарсани ўрганиши керак эди.

– Э, калта ўйлайсан-да,

хотин. Қадимгилар: "Тенги чикса, текин бер" дейишган. Қизимиз ёш деб ўтирсак, шундай жойдан қуруқ қоладик. Нимани ўрганиш керак бўлса, қайнонасида ўрганаверади...

Кунлар, ойлар ўтди. Феруза рўзгор туттишда қийналиб, гоҳ эридан, гоҳ қайнонасида шикоят қилиб, бир неча марта уйига аразлаб келди. Аммо, ҳақиқий моҳиро фарзанд кўролмаётгани сабабли бошланди. Она-

си Ферузани тиббий кўрикка олиб борганидан сўнг масала ойдинлашгандек бўлди. Шифокорлар қизнинг она бўлишга жисмонан тайёр эмаслигини, бунинг учун қандайдир икки йил кераклигини таъкидлашди. Бу хабарни эшитган қуда бунча вақт қутолмаслиги, ўғлининг ёш умрини бекор ўтказмаслигини айтиб, ишни ажримга олиб берди. Ойла аталмиш муқаддас кўрган йил ўтмай, бузилди.

(Давоми 3-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «АРИЗАМИЗ НЕГА ИНОБАТГА ОЛИНМАЯПТИ?»

Газетанинг шу йил 16 январдаги 6-сонидеда эълон қилинган юқоридаги сарлавҳали шикоят хатида Паркент тумани "Қайилма" маҳалласида қурилган 10 та намунали уйлارнинг юқори қисмида 15 сотих бўй ерда болалар спорт майдончаси қурилмай қолгани, шунингдек, бир тадбиркор бу уйлار ёнига молхона қуриб, 100 бош қорамол боқаётгани, унинг хидмига чидаб бўлмаслиги хусусида фикр-мулоҳаза билдирилган эди.

Тахририят ушбу шикоят хати юзасидан туман ҳокими ўринбосари Х. Ҳожиёв имзоси билан жавоб хати олди. Унда қуйидагилар баён этилган.

Мақолада келтирилган муаммоларни туман ҳокими ва тегишли идоралар мутасадди раҳбарлари жойига чиқиб ўрганишганда аниқландики, 10 та намунавий уй-жойлар юқори қисмидаги ер майдони туман заҳирасида бўлиб, намунавий уй-жойлар бош режасида болалар спорт

майдончаси ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш режалаштирилмаган. Шунга қарамай, маҳаллада яшовчи Б. Ҳаниев тадбиркорлик қилиш мақсадида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда юқорида кўрсатилган ерда маиший хизмат шаҳобчаси ва болалар спорт майдончасини қуришни ҳужжатлаштиришни бошлаган эди, бироқ, маҳалла аҳолисининг қаршилиги ва ўзининг розилиги билан иш тўхтатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февраль ва 2015 йил 7 октябрдаги қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун туман ҳокимлиги маҳалла фуқароларининг шикоятларини инобатга олиб, "Қайилма" МФЙ раиси А. Назирбоев ва маҳалла фуқаролари билан келишган ҳолда Ш. Нуриддиновни уларнинг талаблари

(Давоми 2-бетда).

Тошкент вилояти ҳокимининг  
ҚАРОРИ

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ X СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ  
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг X сессияси 2016 йил 11 февраль кўни соат 10.00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими С. АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳри, 2016 йил 5 февраль.

Маънавият

Ҳар сафар "Шоҳ ва шоир" мавзусига қўл урар эканман юрагимни нимадир чертиб ўтади. Эплай олармиканман? Кейин синовчан нигоҳлар мени таъкиб этаверади. Бобуршўнос олимлар бир-бир кўз олдимдан ўтаверади. "Юлдузли тунлар", "Авлодлар доғони"дан таралаётган тафаккур нурлари, "Бобурийнома", "Саодат соҳили"дан боқиб турган закий нигоҳлар нақадар улғувор, нақадар теран. Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султон, Парсо Шамиев, Ҳасан Қудратуллоев, Воҳид Зоҳидов, С. Жалилов, С. Азимжонов, Б. Валихўжаев каби адиб ва бобуршўнос олимларнинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс.

## УММОН ТУБИДАГИ ЖАВОҲИР

Ўйлайман, уммоннинг бир томчиси ҳам сув-ку, ахир, қайсидир майсага жон бағишлаши мумкин-ку?! Шу томчидек бўлмасам агар, ижод гулшанига даҳл қилишим одоб-данмикан?! Шунда зукко бобуршўнослардан бирининг китобида ўқиганим қуйидаги сатрлар ёдига тушди: "...Бобур Мирзо – бамисоли бир денгиз, у ҳақда ўнлаб, юзлаб китоблар ёзиш мумкин. Ҳали китобхоналар бу буюк зотнинг ҳаёти, унинг бемисл ижоди, амалга оширган ғаройиб ишларини етарли даражада билмайдилар. Бинобарин, бу тўғрида нимаки ёзилса, биз хурсанд бўлиб,

қўллаб-қувватлаймиз..." Алалхусус, ўзбек адабиёти осмонидеги ёрқин юлдуз, жаҳон маданиятининг нодир ёдгорликларидан бири дея тан олинган "Бобурнома"си, "Хатти Бобурий", "Ҳарб иши", "Мусликий илм" каби ноёб илмий-бадий асарлари билан халқимиз маънавий олами-ни бойитган, буюк боқалонимиз Амир Темур авлоди эканидан фахрланиб, муносиб вояга бўлишга интилган ва бунга эриша олган буюк саркарда, улуг шоир, донишманд тарихчи, заковатли олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида фикрлаш, биз хурсанд бўлиб,

(Давоми 4-бетда).

Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежидеда "Биз ёшлар салбий иллатларга қаршимиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## ЁШЛАР – ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ва коллеж ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари, "Қумарик" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этишди.

Давра суҳбатидеда вояга етмаганларнинг жамиятдаги ўрни, асосий вазифалари, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини

олиш, гийҳандлик ва диний экстремизм оқимидан муҳофаза қилиш ўқув юртлари, ота-оналар, маҳалла ва жамоатчилик олдида турган энг асосий вазифалардан бири экани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатидеда бу борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тадбирлари белгилаб олинди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Вилоятни яёв кезганде



## ПУДРАТЧИ БЕТАЙИН БЎЛСА...

Вилоят тиббиёт ва соғломлаштириш муассасаларида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишга киришилди. Биз Қуйи Чирчиқ тумани Ўзбекистон кишлоғидаги туғуруқ мажмуаси бўлим мудирини Ҳамид Буланов билан мазкур дастур ижроси хусусида суҳбатлашдик.

(Давоми 2-бетда).

## Муносабат

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ  
УЧУН БОР КУЧИМИНИ ИШГА СОЛАМАН

...Отам ёшлигида катта курашчи бўлган. Каерда кураш бўлса, даврага чиққан. Лекин у пайтлар спорт билан шуғулланишга бугунгидай шариоит бўлмаган, шу боис отамнинг дунё спорт майдонларига чиқиш орзуси ушалмай қолиб кетган. Мен ҳам болалигимдан спорт билан мунтазам шуғулландим, ўзимни чиниктириб юрдим. Мақсадим – отамнинг орзусини амалга ошириш эди.

Ун уч ёшимда отам мени Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежига олиб борди. У ерда му-

(Давоми. Боши 1-бетда).

раббийларим Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличевдан бокс сирларини ўргандим. 2014 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Мураббийим Тўлқин ака рингга чиқаётганимда ҳар доим Президентимизнинг гапларини ёдимга солади: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз! Бу сўзлар ўз кучимга ишонч, юрагимга далда бағишлайди. Ўзбек спортчилари муваффақиятларининг сирини мана шунда! Чунки спортда билаги зўр эмас, руҳи кучли, ақлли ва қўрқмас

спортчилар кўпроқ галаба қозонади. Тинимсиз машғулотлар, устозларимнинг ишончи, спортчилар учун яратилган шароит ва имкониятлар самарасида Германия, Болгария, Беларусь, Озарбайжон сингари давлатларда ўтган халқаро турнирларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдим. Россияда ўтган халқаро мусобақада мезбон спортчини бир зарбада нокаутга уратдим.

2015 йили Катарнинг Доха шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионати мени учун омадли бўлди. Вазни 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар

баҳсида бронза медални кўлга киритдим. Ҳозир шу йилнинг март ойида Хитойда ўтказиладиган Олимпиадада йўлланма берувчи нуфузли мусобақага қизгин тайёргарлик кўрайман.

Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мени бағрига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишимга ишонч билдирди. Чемпион бўлишим шарт. Чунки Президентимизнинг ишончи менга далда бўлади! Бу ишончини оқлаш учун бор куч ва имкониятимни ишга соламан!

**Баҳодир ЖАЛОЛОВ,**  
**бокс бўйича Жаҳон чемпионати совриндори,**  
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси.**  
**Ў.А.**

## ҲАММА ГАП МАСЪУЛИЯТДА

Ушбу фикрлар вилоятда айрим раҳбарларнинг ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиши натижасида юзага келган муаммолар мисолида ўз тасдиғини топди. Зеро, одамларда ташаббускорлик ҳиссини уйғотиш, уни қўллаб-қувватлаб, ёрдам бериш раҳбарларга боғлиқ. Ахир, вилоятимизнинг табиий бойликлари билан бир қаторда иқтисодий имкониятлари ҳам катта. Одамларимизнинг интеллектуал салоҳияти, ёшларимизнинг иқтидорини айтмайсизми?

Вилоятимизни пойтахт вилояти даражасига етказиш йўлида кимлардир тер тўкаётгани ҳолда, кимлардир "Олма пиш – оғзимга туш" қабилида кун ўтказаятгани ачинади. Бирок, Юртбошимизнинг: "Раҳбарга

лавозимни, обрўни эл-юрт беради, лекин унга ишониб топширилган лавозимни унинг ўзи йўқотида" деган сўзлари нуфузи ва лавозимдан қатъи назар, амал курсисиди ҳар бир одамни ҳушёр тортишга, ўз ишига, юриш-туришига танқидий назар солишига туртки бўлди десак, янглишмаймиз.

Аслида ҳам ўзига бино қўйган, одамларга муносабатда қўпол, манман, қўл остидагиларни менсимайдиган раҳбарлар учраб туради. Аммо, бу каби иллатлар "иш услуби"га айланганлар шунинг унутмаслиги керакки, раҳбарнинг ишини ходимлар юзага чиқаради. Шундагина, уни кенг жамоғатчилик, халқ, юрт тан олади.

**Илмира ЛАЗИЗОВА,**  
**журналист.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Семинар

Киши саломатлигини сақлашда қовоқнинг ўрни алоҳида. Чунки, қовоқ таркибида танамиз учун зарур оқсил ва витаминларнинг мавжудлиги, таомга ўзгача таъм бағишлаши, тез ҳазм бўлиши, қолаверса, шифобахшлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун қовоқдан тайёрланадиган овқатлар таомномамиздан муқим жой эгаллаган.

## ҲАР ҚАРИЧИ ҲИСОБЛИ



Шунингдек, халқ табобатида ҳам қатор касалликларни даволашда қовоқ қўланади. Хусусан, тиббиёт илмининг дошинамиди, буюк бобоклонимиз Али Абу ибн Сино қовоқ қайнатмаси билан кўкрак оғриғи ва йўтални, шираси билан мия касалликлари ва томоқ оғриғини даволаган. Терининг куйган қисмига қовоқни қириб, боғлашни тавсия қилган. Бундан ташқари, қовоқ сарик (гепатит), жигар, бўйрак, ўт қопининг бошқа касалликларини даволашда, уруги эса гижжани туширишда қўлланган.

Республикамизда шифобахш хусусиятларга эга ошқовоқ етиштирилши ривожлантириш, маҳсулотни дон қорхоналарида қабул қилиш, қайта ишлаш ва экспортни йўлга қўйиш чора-тадбирларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баённомаси бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Дарвоқе, бугун ҳўжалик аъзолари 35 кишига етди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Ҳўжалик ассимиляторни молларни юз фоиз сунъий усулда қочиради. Кишининг сўнгги ойи ўтиб бораётганига, яъни чорва қишлови яқинловчи босқичга қараётганига қарамай, ҳали заҳирада озуқа кўп. Жумладан, 1000 тонна силос, 25 тонна маккажўхори дони, 15 тонна шрот, 30 тонна кепак, 20 тонна беда пичани, 60 тонна дағал хашак ва 60 тонна сомон бор. Ўтган йили 370 тонна сўт, 14 тонна гўшт етиштирилган бўлса, бу йил сўти 500 тоннага, гўштни 18 тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

Фермер бу билан ҳам чекланмай, шу йилнинг ўзидан сўти қайта ишлаб, турли хил тайёр маҳсулотга айлантирувчи мини-цех қуриш ниятида. Шунда аъзолар яна 6 кишига қўлаяди.

**Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,**  
**Даврон АХМЕДОВ**  
(сурат),  
"Тошкент ҳақиқати"  
муҳбирлари.

Ҳудди шундай семинар вилоятимизнинг барча туманларида бўлиб ўтди. **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. **Даврон АХМАД** олган сурат.

## Тадбир

Қибрай туманидаги Байтўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касбхона коллежиди "Ўзсаноатқурилиш-банк" туман филиали коллеж билан ҳамкорликда битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришга бағишлаб учрашув ўтказди.

БИТИРУВЧИЛАРГА  
ФЙДАЛИ МАСЛАҲАТ

Банкларнинг кичик бизнес субъектлари, айниқса, коллеж битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, ҳуқуқий ва ташкилий масалалар юзасидан зарур маслаҳатлар бериш мақсадига ушатирилган тадбирда соҳа мутахассислари, коллеж битирувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Иштирокчилар тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун мамлакатимизда яратилган имконият ва имтиёзлар, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш ҳамда банк хизматлари бўйича маълумот бердилар.

– Таълим масканимизда 8 та йўналиш бўйича 466 талаба таҳсил олмақда, – дейди коллеж директори Нуралӣ Пардаев. – Шулардан 204 нафари бу йилги битирувчилар. Бугунги учрашув эса ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар учун айна мударо.

**Нозима АРСЛОНОВА.**

«Тошкент ҳақиқати»га  
жавоб берадилар

«АРИЗАМИЗ  
НЕГА ИНОБАТГА  
ОЛИНМАЯПТИ?»

бўйича спорт майдончасини қуриш учун масъул деб тайинлаб, амалдаги қонунчилик асосида иш қўриш лозимлиги тушунтирилди. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри (С. Ахроров), туман архитектура ва қурилиш бўлими (З. Турсунов)га "Қайилма" МФЙ ҳудудидаги шу ер майдонини қонуний асосда ҳужжатлаштиришни бошлаш тўғрисида топшириқлар берилди.

Туман ДСЭНМ (Х. Умиров), табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси (Н. Миржамолова) томонидан "Гулбоғ" қўргони, Тонг қўчаси аҳолиси уйларига яқин жойда Маъзума Махаммадалиева Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни ва СанПин О246-08 талабларини бузганлиги ҳақида огоҳлантириш хати 2015 йил 7 январда берилганга қарамай, 2016 йил 20 январда қайта назорат ўтказилганда 40 бош қорамол ва 7 бош бузоқ сақлаётгани аниқланди. Фуқаро Маъзума Махаммадалиевага қонуний талаблар бўйича 5 бошгача қорамол сақланганда аҳоли тузаржойларига бўлган санитария муҳофаза зонаси 20 метр бўлиши кераклиги, 80 бошгача қорамол сақланганда эса, муҳофаза зонаси 75 метр бўлиши тушунтирилди ва юқоридаги талаблар бажарилмаса, унга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали қонуний чоралар қўрилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Аризада кўрсатилган кўча 2016 йил манзилли дастурига киритилгани ва йил охирига қадар таъмирлаш ишлари якунланиши маҳалла фаоллари ва фуқароларга тушунтирилди. Ҳамда кўча ёриткичларини ўрнатиш масаласи юзасидан туман электр тармоқлари қорхонаси ва ободонлаштириш бошқармасида юқорида кўрсатилган харажатлар учун бюджет маблағлари ажратилмагани, "Қайилма" МФЙ раиси А. Назирбоев бошчилигида тегишли тартибда маҳалла фуқаролари ўз ихтиёрлари билан кўча ёриткичларини харид қилганларидан сўнг туман электр тармоқлари қорхонаси ва ободонлаштириш бошқармаси томонидан туман электр тармоқларига улаш ва ёриткичларини ўрнатишда кўмаклашиш тўғрисида топшириқлар берилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Қишлоқ мулкдорлари

## ФЕРМЕР ҚАМРОВНИ КЕНГ ОЛАЯПТИ

Бўқа туманининг энг чекка қишлоқларидан бирига қириб бораётди, дид билан ўрнатилган банерга кўзимиз тушди. Хизмат юзасидан вилоят туманларини кўп кезиб, бунақасини кўрмагандик. Банердаги лавҳада "Бўқа ширин сут" фермер ҳўжалиги фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотлар битилган. Қираверишдаги йўл маълум чуқурликда ўйилиб, кимёвий дорилар билан ишлов берилган қишлоқ солиб қўйилибди. Ҳам техника воситалари, ҳам пиддалар учун мўлжалланган бу мослама чорвадорлар тилида "дезинфекция барьери", яъни чорва молларига юқиши мумкин бўлган касаллик бактерияларини йўқотиш тўғрисида дейилади. Бунақа қатъий тартибни ҳали бошқа фермер ҳўжаликлари ҳудудида учратмагандик.

Фермер Абдуҳошим Туронов билан ҳўжаликни айланар эканмиз бу жамоа нафақат деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, балки ҳудудда ҳўжаликнинг юзи саналган саранжом-сарилатликка ҳам жиддий эътибор қаратишига гувоҳ бўлдик.

– 2010 йилда иш бошлаганмиз, – дейди фермер. – Ўшанда 50 бош қора-ола зотли молимиз, 156 гектар экин майдонимиз бор эди. 50 гектарга пахта, 60 гектарга буғдой

экардик. Бундан ташқари, йилига 45 тонна сут, 3,5-4 тонна гўшт етиштирдик. Аъзоларимиз бор-йўғи беш киши бўлган. Ўзимизнинг техникамиз ҳам йўқ эди. Ваҳоланки, деҳқончиликда техникаси ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Шу боис, 2012 йилдан даромадимизга анчагина борака киргач, аста-секин зарур техника воситаларини сотиб ола бошладик. Шу тарика "Орион" ҳайдов трактори, учта Беларусь МТЗ-80 ва тиркамалар,

қуруқ хашак ва сомонни пресслайдиган техника ва ОВХ пурақичларига эга бўлдик.

Фермерчиликда кўп нарса даромадга ҳам боғлиқ бўлиши тўғрисида даромад кўпайгани – имконият кўпайгани. Даромадга яраша буромад" деганлар шу. Абдуҳошим Туронов техникани бир қадар бутлаб олган, даромаддан оқилона фойдаланиб, ҳўжалигининг мавжуд кўчмас мулкларини тартибга келтиришга, эҳтиёжга қараб, янгиларини

қуришга киришди. Натижада, 2015 йилда эни 10, узунлиги 60 метри озуқа омбори, 100 бош мол сифидан 105 метри ва яна 60 метр узунликдаги бостирмалар, 50 бош молга мўлжаллаб янги молхона қурилди. 70-80 бузоқ сифидан бузоқхона тубдан таъмирланди. Беш тонналик сут совутич ва 12 та соғиш аппарати сотиб олинди.

Харакатан одамнинг иши юришаверади. Иши юришиб турган одамнинг эса ғайратига қайрат қўшилиб, янги-янги соҳаларга қўл ураверади. Абдуҳошим Туронов "Савдогар-банк"дан бир миллиард 200 миллион сўм кредит олиб, Австралидан ҳам гўшт, ҳам сут етиштириш учун парваришланадиган "Голштейн" зотли 124 бош буғдой гунажин келтирган эди. Ҳозир улар 150 дан ошди. Банк қарзидан бу йил қўтлади. Энди эса "Халқ банки"дан 5 йил муддатта бир миллиард 200 миллион сўм кредит олиб, Польшадан яна 124 бош буғдой гунажин харид қилиб келтиришни режалаштирган. Бу туманининг 2016 йилги дастурига киритилган.

– Хуллас, қамровни кенг олаяпмиз, – дейди фермер. – Бу йилдан бошлаб чорвачиликка ихтисослашяпмиз. 130 гектар экин майдонимизнинг 45 гектарига чорвага

озуқа учун оралик экинлар – ёввойи нўхат, третиқали, арпа, буғдой эканмиз. Ҳозир тўлиқ униб чиқиб, дуркун ривожланмоқда. Яна 5 гектарга озуқа лавлаг, 45 гектарга дон учун маккажўхори, 14 гектарга беда, қолганига силос учун маккажўхори эмикчимиз.

Дарвоқе, бугун ҳўжалик аъзолари 35 кишига етди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Ҳўжалик ассимиляторни молларни юз фоиз сунъий усулда қочиради.

Кишининг сўнгги ойи ўтиб бораётганига, яъни чорва қишлови яқинловчи босқичга қараётганига қарамай, ҳали заҳирада озуқа кўп. Жумладан, 1000 тонна силос, 25 тонна маккажўхори дони, 15 тонна шрот, 30 тонна кепак, 20 тонна беда пичани, 60 тонна дағал хашак ва 60 тонна сомон бор. Ўтган йили 370 тонна сўт, 14 тонна гўшт етиштирилган бўлса, бу йил сўти 500 тоннага, гўштни 18 тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

Фермер бу билан ҳам чекланмай, шу йилнинг ўзидан сўти қайта ишлаб, турли хил тайёр маҳсулотга айлантирувчи мини-цех қуриш ниятида. Шунда аъзолар яна 6 кишига қўлаяди.

**Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,**  
**Даврон АХМЕДОВ**  
(сурат),  
"Тошкент ҳақиқати"  
муҳбирлари.



## Вилоятни яёв кезганда

– Туғуруқ мажмуаси 69 ўринли бўлиб, бешта, яъни туғуруқ, ҳомиладорлар паталогияси, гинекология ва чақалоқлар паталогияси ҳамда жонлантириш бўлимларидан иборат, – деди Х. Буланов. "Оналар ва чақалоқларнинг аҳоли, уларга яратилган шароитлар қандай?" деган саволимизга жавоб беришдан аввал бир зум ўйланиб қолди-да, сўзини давом эттирди:

– Яшириб нима қиламан, бир йилдирки, Оққўрғон туманидан келаятган ҳомиладор аёллар ҳисобига ишимиз ҳам, муаммолар ҳам кўпаймоқда. Баъзи бўлимларда бир ўринга икки киши тўғри келаяпти. Шундай бўлса ҳам шифокорларимиз бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, бурчларини тўла бажаришга ҳаракат қилишапти.

Қабулхона ёнида оққўрғонлик Назира Саидовани гапга солдик:

– Келинимни 7 ойлик ҳомиласи билан Оққўрғон тумани жонлантириш бўлимига олиб борган эдик, – деди у. – Шароит йўқ деб, бизни шу ерга юборишди. Йўлда келинимнинг иссиғи чиқиб, 3 марта мазаси қочди. Бахтимизга бу ердаги шифокорлар, ҳамширалар зарур муолажаларни қилиб, келимни ва чақалоғимизни соғаломат олиб қолди.

Рўйхатта олиш дафтарчасида кейинги икки кунда қайд этилган Лайло Холбоева, Жумагул Ҳайитбоева, Нодир (Давоми. Боши 1-бетда).

## ПУДРАТЧИ БЕТАЙИН БЎЛСА...

рахон Саримсоқова, Мафтуна Камолова, Наргиза Абдурахимова, Севара Ниёзова, Наргис Фармонова Оққўрғон туманидан келишган экан. Бу саргардонликнинг сабабини билиш учун, Оққўрғон туманига йўл олдик.

– Маҳалламизда яшовчи 3900 аҳолининг 25 фоизи туғуруқ ёшидаги кайлар, – деди Оққўрғон шифолиги "Қўштепа" маҳалласи оқсоқоли Мирзакарим Пирматов. – Туманимиздаги туғуруқхона муаммолари аҳолини қийнаб юборди. 2015 йил февраль ойида таъмирлаш мақсадида фаолияти тўхтатилган туғуруқхона 3, нари борса 4 ойда ишга туширилиши керак эди. Мана, 1 йил бўлаяптики, ҳали ҳам битмай ётди. Келинларни Қуйи Чирчиқ ёки Бўқа туманлари туғуруқхоналарига олиб боришга тўғри келаяпти. "Йўл азоби – гўр азоби" дейди халқимиз. Ҳомиладор, айниқса, туғуруқ вақти яқинлашган аёлларнинг манзилга етиб боргунча не қўйга тушишини айтмай қўя қолмай...

– Туманимизнинг 98 минг 460 дан зиёд аҳолисига битта шифохона, 12 та қишлоқ врачлик пункти, битта кўп тармоқли марказий поликлиникадан иборат даволаш ва профилактика муассасаларида 167 шифокор, 946 ҳамшира малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда, – деди Оққўр

ғон тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Дониёр Пирназаров. – 2015 йил давомида 10 миллион сўмлик бепул дори-дармон берилди...

Туғуруқ ёшидаги аёлларга кўрсатилаятган тиббий хизмат ҳақида сўраганимизда шундай жавоб берди: – 2015 йилда туман тиббиёт-профилактика маюссасаларида иш шароитларини яхшилаш ҳамда замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш мақсадида кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда туғуруқхона бўлимларини реконструкция қилиш учун 2 миллиард 950 миллион сўм маблағ ажратилди...

Сўхбатни давом эттирган

тиббиёт бирлашмаси бош шифокорининг ҳўжалик ишлари бўйича муювини Бахтиёр Алматовнинг гапларига қараганда, тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш юзасидан буюртмачи вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бўлиб, тендерда бош пудратчи "АНД КОНТРУКЦИОН" МЧЖ голиб чиққан экан.

– 2015 йил инвестиция дастурига киритилган 50 ўринли туғуруқхона ва 200 ўринли кўп тармоқли марказий поликлиника биноларида бош пудратчи февраль ойида иш бошлади, – деди Б. Алматов. – Дастлаб 50 киши, сўнг 100 киши ишлади. 16 майда бирдан иш тўхтади. Бу ҳақда 30 майда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ва туман ҳокимига хат орқали муножарат қилинди. Аммо, 55-60 фоиз иш бажарилган ҳолатда таъмирлаш тўхтатилди. Июль ойида "АНД КОНТРУКЦИОН" МЧЖ ишчилари лаш-лушларини йиғиштириб, ишни қайта қолдирганча, жўнаб кетишди. "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси раҳбарига бир неча марта муножарат қилинди. Сентябрь ойида компаниядан вакиллар келиб, нималарнидир қўришди, ўлчашди. 4-5 марта турли қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ҳам келиб-кетишди. Ишдан эса дарак йўқ.

– Эшитишимизча, – дейди Б. Алматов, – таъмирлаш ишларини бошқа пудратчи "Қувасой савдо қурилиш инвести" МЧЖ зиммасига олганмиш. Ҳозир унинг қурувчилари ишни давом эттиришапти.

Айтишларича, "Қувасой савдо қурилиш инвести" реконструкция ишларини март ойида тугатиб, туғуруқхонани фойдаланишга топширар-

миш. Шундай бўлади ҳам дейлик. Лекин, ўз-ўзидан табиий саволлар туғилади: қурилишнинг бунчалик чўзилиб кетганига ким айбдор? Нима учун буюртмачи таъмирлаш ишларини бошидан назорат қўлмади? Бир йилдан бери маош олмайд, мабруран бекор ўтирган шифокор ҳамшираларнинг, олис туманларга бориб, қийналиб фаразд кўраётган оналарнинг моддий ва маънавий зарарини ким қоплайди?

Тумандан бу саволларга жавоб ололмай қайтдик. **Даврон АХМЕДОВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



**"K'O'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MCHJ** бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб беришни тартибдага ўтказиладиган оқик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 28.10.2015 йилдаги 1-4555/15-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 100 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Утепта тумани СИБ томонидан 11-мавзе, 13-уйда жойлашган, умумий фойдали майдони 69,53 кв.м., яшаш майдони 44,52 кв.м.дан иборат 4-хонадон "тураржой"; 2) Утепта тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Утепта туманлараро судининг 02.03.2015 йилдаги 5678/14-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 106 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Утепта тумани, 14-мавзе, 13-уйда жойлашган, умумий фойдали майдони 74,92 кв.м., яшаш майдони 56,09 кв.м.дан иборат 18-хонадон "тураржой" кўйилмоқда. Аукцион савдолари 2016 йилнинг 15 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хона, телефонлар 249-54-59, 249-53-61 ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "K'O'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MCHJнинг АТИБ "Истеъка банк" Ш.А.нинг ҳисоб рақамига 202080001049318350011 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МКОФ 00425, ИНН 207128747, ОКОН 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижролари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойиги кишиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий қўқули соат 9.30 да 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир иш куни колганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Шарҳлар учун мавзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311 хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

## ЭЪЛОНЛАР

Алишер Навоий  
таваллудининг 575 йиллигига

## АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Шу кунларда вилоятимиз бўйлаб улуг мутафаккир, шеърят мулкининг султони Алишер Навоийга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.



Зангиота туманидаги 73-умумтаълим мактабида ўтказилган "Буюк аждодларга муносиб авлод бўламиз" мавзусидаги адабий-бадиий кечани мактаб ахборот-ресурс маркази раҳбари Сурайё Зокирова олиб борди. Ўқув-

чилар ёд олган ғазал ва рубойлар, улуг шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир саҳна асарларидан қўйилган парчалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Даврон АХМАД  
олган сурат.

### Кўргазма

## ТАСВИРЛАРДА МОЗИЙ НАФАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Камолитдин Бехзод мемориал бот-музейида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда Захриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди.

"Тасвирларда моziй нафаси" деб номланган ушбу кўргазмада устоз-шоирдин миниатюралар мусаввирлар Камолитдин Мирзаев ва Камол Оминов ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов, Ўзбекистон халқ рассоми Н. Холматов ва бошқалар Президентимиз Ишлом Каримов раҳнаомлигида ёш авлоднинг бой маънавий, маданий, илмий меросимиздан баҳраманд этиш борасида қилинаётган эзгу саз-ҳаракатлар истеъдод соҳиблари сифати тобора кенгайтиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Камолитдин Мирзаев ва Камол Оминов яратган миниатюралар асарлари "Навқирон Ўзбекистон", "Ташаббус" каби фестивал ва танловлар, Франция, Германия, Норвегия, Япония, Россия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда алоҳида эътироф этилган.

Миниатюра мактаби адабиёт, тарих, манбашунослик, китобот, хаттотлик санъати каби соҳаларнинг ҳам билимдонлиги бўлиши, ижодкордан нозик дид, зийраклиги талаб этиди. Айни ҳолатлар суратлари намойиш этилаётган рассомлар ижодида ҳам ўз ифодасини топади билан аҳамиятлilди.

Кўргазмада олтидан ортиқ миниатюра асарлари намойиш этилмоқда. К. Мирзаевнинг "Бобур Мирзо", "Илм", "Донишмандлар суҳбати", К. Оминовнинг "Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий", "Кониот бағрида", "Навоий", "Эзгулик", "Ватанпарвар", "Сайр" каби миниатюралар асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Н. Усмонова,  
ЎзА мухбири.

### Кўзгудаги ўзимиз

Ўқитувчим Рашида Самадованинг беҳос хонамга кириб келишидан қувониб кетдим:

— Опажон, қандай шамоллар учирди биз томонга?

— Йўқламай қўйганинг учун ўзим кўргани келдим. — гиналади устоз синиқ овозда. — Оиламизга кўз тегдим, тинчлигимиз йўқ.

— Бирор кўнгилсизлик юз бердими? — сўрадим ўзини анча олдириб қўйган опага тикилиб.

— Ўғлим билан келиннинг ҳеч чиқишолмапти. Баъзан ўғлимга ачиниб кетаман. Ушунда кўнгил қўйгани олиб берганимда, бу гағолар бўлмасмиди? Мана энди гап-сўзга қолиб ўтирибман.

— Келиннинг ҳулқи яхшимасми?

— Фаросати йўқ одамни тарбиялаш қийин экан. Минглаб шогирдларга таълим-тарбия бердим-у, аммо ўз келинни йўлга солишга қўрбим етмапти. Эрига меҳр бериш, иззат-ҳурмати жойига қўйиш ўрнига, икки куннинг бирида фолбинга югуради.

Утган ҳафта яна уруш-жанжал бўлди. Келиннинг фолбин дугонаси: "Эринг бошқа аёл билан юради", деганимиз. Ўғлим Азимжон уйланмасдан олдин бир қизни севганди. Қанча ҳаракат қилсак-да, ота-онаси қизини беришмади. Чорасиз қол-

### Маънавият

мулоҳаза юритиш масъулиятини ҳис этмаслик мумкин эмас. Қолаверса, буюк аждодимиз билан фахрланиш, гурурланиш имконини берган истиқлолимиз шукронаси ҳамиша онгу шууримизни ёритиб туриши жоиз. Зеро, бир пайтлар "Бобур босқинчи, уни кўтар-кўтар қилиб бўлмайди" деган фикрлар мана шу энг улуг, энг азиз неъматимиз Мустақиллик туғайли узлатга чекинди, тарихий ҳақиқат қарор топди.

Ахир, буюк Соҳибқироннинг авлоди бўлган Мирзо Бобурнинг ўз босиб ишгани давом эттириш, Темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустақиллаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат барпо этиш учун қилган сазй-ҳаракатларини қоралаб бўладими? Аммо, тарихий шароит, ўзаро тожу тахт талашишлар, ички ва ташқи душманлар, иғво-тухмат уни ўз Ватанидан мусово этгани, ахир-оқибат ўз мақсадини босиб Амир Темур қадами етган бошқа жойларда амалга оширмоқчи, ўз лаёқатини ҳайрли ишларга сафарбар этмоқчи бўлганини ҳолис баҳолай олишимиз керак эди-ку?

(Даврон. Боши 1-бетда).

Шу ўринда бизга бундай ҳуқуқи берган истиқлолимиз шарофатини нега ҳис этмаслигимиз керак? Ахир бор-йўғи 4 йилгина ҳукмронлик қилиб, 300 йил умр кўрган Бобурийлар давлатига асос солган, дунёнинг

## УММОН ТУБИДАГИ ЖАВОҲИР

етти мўъжизасидан бири "Тож Маҳал"нинг бунёд этилишига сабабчи бўлган, Ҳиндистоннинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшган сулоланинг асосчиси сифатида Ҳиндистонликларнинг меҳр-муҳаббатини қозона олган инсон билан фахру ифтихор этмаслик мумкинми?!

Ҳайратланарлиси, ҳам давлат иши, ҳам ижод мавжларида тенг иш олиб боришдек ноёб қобилият эгаси жуда қисқа — 47 йиллик умри давомида мангуликка дахлдор адабий-бадиий, ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга мерос қолдирган йирик маданият арбобидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар томонлама етук-

лик, мукамаллик Бобурнинг болалиги йилларидаёқ ўз нишонларини кўрсатган. У форс, араб тилларини мукамал ўрганади, адабиёт, тарих, тилшунослик, табиатшунослик, мусиқа ва бошқа соҳаларни чуқур ўзлаштира-

ди. Бунда Мирзо Бобурнинг болалиги ҳар томонлама соғлом, оқила онаси Қутлуг Нигорхоним ҳамда барча шароитлар муҳайё этилган сарой муҳитининг таъсирини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Лекин, барча шахзодалар ҳам етукликка эришолмагани Бобур Мирзонинг ўзигагина хос бўлган ўткир салохиятидан дарак бериб туради. Зеро, Захриддин Мухаммад Бобур шахсини ўрганиш, англаш учун унинг тарихий мемуар асари "Бобурнома" энг биринчи манба ҳисобланади. Асарда ҳикоя қилинган Мовароуннахр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон воқеаларини ўқир экан-

сиз, унинг айрим хорижликлар таърифлаганидек мураккаб шахс эмас, балки томирида бобокалон соҳибқирон Амир Темур қони бўлган буюк саркарда, қалбида улуг ўзбек халқининг меҳр-муҳаббатиди, садақоти жўш урган нозик таъб, Ҳиндистонликлар берган ҳаққоний таърифга кўра, "дилбар шахс" кўз олдингизга келади. Бу борада Ҳиндистонлик давлат арбоби ва тарихчи К. М. Паникарнинг: "Бобур Деҳли тағтига ҳақли равишда эришгани, негаки унинг томирларида Амир Темур қони оқиши" ҳақидаги фикрларини ҳам келтириш ўринли бўлар. Бу фикрлар халқимизнинг ҳар томонлама етук, доғишманд, олим, шоҳ ва шоир бўлиб дунёга танилган аждодимиз Захриддин Мухаммад Бобур ҳаёти, беназир ижодий салохияти авлодларига муносиб ибрат бўлиб хизмат этишини кўрсатади. Унинг адабий-бадиий меросини янада чуқур ўрганиш учун берилган имконият, истиқлол келтирган бахт муқталик Ўзбекистон аҳлига яна бир бор муборак бўлсин!

Сайёра РИХСИЕВА,  
"Тошкент ҳақиқати"  
муҳбири.

## ГУМОН ҚАЛБНИ ЕМИРАДИ



келин фолбинга чопгани чопган.

Бир кун эшикдан сўх-сўрдеккина жувон кириб келди. Икки боласини етаклаб олган бу аёл бир вақтлар ўғлим кўнгил қўйган ўша қиз экан. Бечора жувон кўзёшини тиёлмай, анча вақт гапиришга қийналди. Билсам, келиннинг унинг ишончасига бориб, ҳаммининг олдиди: "Эрим билан юрар экансан", деб тухмат қилибди. Ҳозир одамлар оғзи билан юрадиган бўлиб кетишган. Бу гап унинг оиласига ҳам етиб борибди.

Аламидан юм-юм йиғлаётган бечора жувоннинг сўзларини эшитиб, ерга кириб кетгудек бўлдим. Шунча яшаб, бирор марта юзим қизарадиган иш қилмагандим. Фаросатсиз келин ортдан шундай хижолат

собиқ севгилисини кўриб, вазиятни тушуниб шекилли, хотинига: "Уша фолбин дугонангни ҳам чақириб келасан", дея шарт қўйди. Гапнинг қисқаси, фолбин: "Сенга бу гапни айтмаганман, исботини йўқ" деб туриб олди. Ўғлим хотинига бир сўз демай, қайночасига: "Қизингизни олиб кетинг, йўқса..." деди-ю, ташқарига отилди.

Бир томондан ўғлимнинг ҳаёти барбод бўлганига ачинсам, иккинчидан тухмат яна бир оилани таназзулга олиб келганидан виждоним қийналиб кетди. Айбисиз айбдорга айланган ўша жувонни

тўсатдан ишдан бўшашига ариза ёзди. "Бошқа иш топдингизми?" деб хайрон бўлдим. У бўлса: "Беанининг бошига ёзда ҳам қор ёгаркан" деди маънос. Бўзгани куйдираётган йиғидан қутулиш учун кўзёш тўкди. Сўнг тилга кирди:

— Бошлигимизнинг хотини фолбинга борган экан, у: "Бир бева аёл эрингизни бошини айлантириб юрибди, тезда қутулмасангиз, эрингиздан айрилиб қоласиз" деди.

— Бу гапни сизга нима дахли бор?

— Ишхонадаги ягона бева аёл менман, — синиқ жилмайди ҳамкасбимиз.

— Ким айтди, сизга бу гапларни?

— Бошлиқнинг хотини. У менга: "Яхшиликча ишдан бўша, бўлмаса шармандангни чиқараман" деди.

— Нимага энди емаган сомсага пул тўлашингиз керак? Бу бевага гапдан бошлиқнинг ҳам хабари борми?

— Бор. У менга: "Хотинимнинг ишига аралашсам, гумони баттар ортади. Яхшии ишдан бўша кета қолинг. Ёрдам керак бўлса, бераман", деди...

Аёлларнинг фолбинга ишончини бор гап. Бирок, баъзи иродасиз эркаклар ҳам уларнинг домига тушиб қолаётганидан дилим огриди...  
Дилфуза МИРОБИДОВА.



### ТАЙВАНДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Reuters агентлиги таркатган хабарда айтилишича, Тайванда ўз берган кучли зилзила қурбонлари 35 кишига, бедарак йўқолганлар эса 117 кишига етди.

Кутқарувчилар асосий эътибор ва барча кучларни табиий офат сабабли қулаб тушган 17 қаватли бино хабарларини тозалашга қаратишган. Орадан ўтган икки кун давомида фақат бир аёл ва бир эркакни хабарлар остидан тирик олиб чиқишга муваффақ бўлинди.

Мамлакатнинг амалдаги президенти Ма Ин-Цзю душанба кун табиий офат юз берган жойга келди. Шунингдек, ўтган ҳафтадаги президент сайловларида ғолиб чиққан Цай Ин-вэн ҳам зилзиладан азият чекканлар ҳузурида бўлди. Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпин қурбон бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлик билдирди ҳамда ёрдам бериш ҳақидаги таклифини айтди.

Агентлиқнинг маълум



қилишча, зилзила 6,4 магнитуда кучга эга бўлган. Қурбон бўлганларнинг аксари атайин қулаб тушган 17 қаватли бинода яшаганлар. Умуман, мамлакатда тўққизта уй вайрон бўлди. Маҳаллий ҳокимиятнинг фикрича, 17 қаватли бино нима сабабдан қулаганини айтиш қийин. Таҳминларга қараганда, у сифатсиз қурилиш ашёларидан ва тартиб ҳамада меъёрларни бузган ҳолда бунёд этилган бўлиши мумкин.

### ХИТОЙДА ЯНА ЕР КЎЧКИСИ

Мамлакатнинг жанубидаги Гуанси-Чжуан мухтор округидаги Цзиншэн аҳоли истиқомат жойида юз берган ер кўчкиси оқибатида олти киши ҳаёдан кўз юмди, яна тўрт киши бедарак йўқолганлар сифатида рўйхатга олинди.

ТАСС агентлиги таркатган ушбу хабарда айтилишича, Хитой марказий телевидениеси махсус ахборот бериб: "Энди экспертлар юз берган фожиянинг сабаб ва тафсилотларини ўрганиб чиқишлари лозим" лугини таъкидлади.

Хозирги вақтда кутқарувчилар вайронгарчиликларни тозалаш ишлари билан банд, руҳшунос мутахас-



сислар эса қурбон бўлганлар ва бедарак йўқолганларнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғлари билан шуғулланмоқдалар.

### ЖЕКИ ЧАН АХОЛИНИ КЎРКИТДИ

Дунёга машҳур актёр Жеки Чан Лондонда содир этган кучли портлашдан маҳаллий аҳоли дахшатга тушди.

Гап шундаки, Лондондаги улкан кўприклардан бирида қандайдир фильм суратга олинаётган пайтда икки қаватли автобус кучли портлаш оқибатида осмонга учиб кетди. Лондон аҳолиси бунни кўриб, террорчиларнинг иши деб ўйлашди. Бироқ, тез орада миш-мишлар тарқаб, аҳолининг кўнгли жойига тушди.

Маълумки, Жеки Чан мураккаб жараянларни лентага туширишда компьютер имкониятларидан фойдаланмай, барча трюкларни бўлган террорчилардан касос олишга ҳаракат қилади.



Юкоридаги "Ўзга юрлик" фильмида машҳур актёр бош ролни ижро этмоқда. Дарвоқе, ушбу фильм ёзувчи Стивен Лезернинг "Хитойлик" романи асосида суратга олинмоқда. Афсонавий актёр шахсий ресторани эгаси ролини ўйнаб, қизининг ўлимига сабабчи бўлган террорчилардан касос олишга ҳаракат қилади.

### НОШУД АЁЛНИ СУДГА БЕРДИ

Италиялик бир киши бемаза овқат тайёрлаши ва уй-жойи вақтида йиғиштириб, супуриб-сидирмаслиги учун хотинини судга берди, дея хабар тарқатди "Интерфакс".

Шунингдек, эркак оилада аёли ўзини қўпол тутиши ва қаттиққўллик қилишидан ҳам шикоятланган. Айтишча, икки йилдан ошбиди, у антисанитария шариоитида яшамоқда. Бундан ташқари, хотинининг тинимсиз таъналари ва ҳақорат-

ларига чидаб келаяпти. Италия қонунчилигида мувофиқ, агар аёл ҳақиқатан ҳам айбдор деб топилса, у олти йилгача муддатга қамоқ ҳазасига ҳукм қилиниши мумкин экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Сураткаш ҳазили

### ЭЪЛОН

"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 14 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Охангарон тумани СИБ томонидан № 1-526715-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 248 GCA бўлган техник носоз бўлган "HOWO" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 98 539 000 сўм.

Шунингдек, 2016 йил 29 февраль кун бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Қибрай тумани, СИБ томонидан: 1. 02.02.2015 йил № 2454-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и.ч. "DAEWOO-KALOS" д.р. 115 2489. Бошланғич баҳоси - 19 473 356 сўм. 2. 20.06.2013 йил № 11223-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и.ч. "Камаз-5320" д.р. N088NUM. Бошланғич баҳоси - 10 217 570 сўм. 3. 13.01.2015 йил № 1324-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. "Эника" д.р. 01 P405BA. Бошланғич баҳоси - 36 211 800 сўм. 4. 22.12.2013 йил № 32021-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "BA3-2106" д.р. 01X195MA. Бошланғич баҳоси - 5 907 853 сўм. 5. 03.07.2013 йил № 12426-сонли ижро ҳужжатига асосан

1986 й. и.ч. "Москвич-412" д.р. 10 T 410AA. Бошланғич баҳоси - 1 637 370 сўм. 6. 26.04.2012 № 5782-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч. "Доган" д.р. 01K336EA. Бошланғич баҳоси - 1 309 457 сўм. 7. 02.03.2015 йил № 7160 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1972 й. и.ч. "GA3-24" д.р. 01V920GA. Бошланғич баҳоси - 1 459 691 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юкоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истидади бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси

учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кун мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (+99895) 504-99-85.

Тузатиш "New Trans Alliance" МЧЖ "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 30.01.2016 йилдаги №10 (12854)-сонидан чоп этилган эълондаги "Зангиота СИБ томонидан тақдим этилган, 2009 йилда и.ч. д/р 10 029 KAA бўлган, техник носоз "MATIZ" русумли автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 19 080 899 сўм" деган сўзлари бундан кейин "Зангиота СИБ томонидан тақдим этилган, 2009 йилда и.ч. д/р 10 029 KAA бўлган, техник носоз "MATIZ" русумли автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 16 139 812 сўм" деб ўқилсин.

### ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

#### ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Мавзилимиз:

100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар:

233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар:

233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Ирода НОРБОВЕВА

Навбатчи

Наргис ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ